



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MONOPOLIYAGA  
QARSHI KURASHISH QO‘MITASI HUZURIDAGI  
ISTE‘MOLCHILAR HUQUQLARINI HIMOYA QILISH AGENTLIGI**

**CONSUMER PROTECTION AGENCY  
UNDER THE ANTIMONOPOLY COMMITTEE  
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**



100128, Toshkent sh., Labzak ko‘chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-46-00, Tel.: (998 71) 241-22-53  
Ishonch telefoni: 1159, Sayt: consumer.uz, e-mail: [info@consumer.uz](mailto:info@consumer.uz), e-xat: [consumer@exat.uz](mailto:consumer@exat.uz)

“10” август 2021 й. № 02-06/3816

## **Рекламадан фойдаланувчилар, ижтимоий тармоқ фаол фойдаланувчилари**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Охирги пайтларда энг кўп муҳокама қилинаётган асосий масалалардан бири бу ёшларни турли қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларга, хусусан букмекерлик ва тотализаторлар хизматларига қизиқишлари тобора ортиб бормоқда.

Шу ўринда интернет ва ижтимоий тармоқларда букмекерлик ва тотализатор хизматлари рекламалари орқали ёшларни ушбу ўйинларга жалб этиш тобора авж олмоқда. Бунда реклама орқали ушбу ўйинларда қатнашиш имкониятини мавжудлиги ўсмирлар аудиториясида кенг тарқалишига йўл очиб бермоқда.

Ачинарлиси, қимор ўйинлари рекламалари инсонлар онгига тез таъсир этиб, аҳоли ўртасида бундай таваккалчиликка қаратилган ўйинларга бўлган қизиқишлар кун сайин ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Айниқса, ўсиб келаётган ёшлар ўртасида бундай пул тикиш ўйинлари авж олиб, уларни ютказилиши оқибатида кўнгилсиз ҳолатлар келиб чиқаётгани сир эмас.

Бундан ташқари, ижтимоий тармоқларда кенг тарқалаётган реклама ёрдамида, осон даромад ва қисқа фурсат ичида катта даромад олиш тўғрисида фойдаланувчиларга онлайн казино ва қимор ўйнаш каби таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга жалб қилиш орқали сохта веб-сайтлар ҳам ўз фаолиятни юритиб келаётганлигини кузатиш мумкин. Ўз навбатида, бундай онлайн платформалар билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан блоклаш чоралари кўрилмоқда.

Қимор ўйнаб пул топиш, аввало кишининг психологик қарашларига нисбатан содир бўлади. Бунга ёшларнинг муккасидан кетишининг сабаби, тез бойиб кетиш мотивацияси, осон пул деб ўйлашидир.

Бу эса, ҳар бир кишининг ўзига, дунёқарашига, савиясига, диний эътиқоди ва саводига боғлиқдир. Тотализатор қурбони топган пулини ўйинларда исроф қилади, бировлардан қарз, банкдан кредит олиб туби кўринмас жарликка қулай бошлайди. Бунинг оқибатида оилаларда жуда кўп кўнгилсиз ҳолатлар ҳам рўй бераётганлиги кузатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимор ўйинларини ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни (шу жумладан, букмекерлик компаниялари томонидан ташкил этиладиган гаров ўйинлари) ташкил этиш ва ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 16 августдаги 176-сон қарори асосида 2007 йил 1 сентябрдан бошлаб тақиқланган. Ушбу тақиққа риоя қилмаслик тегишли жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: GD10068408

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ ишлаб чиқарилиши ёки реализация қилиниши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган маҳсулот тўғрисида ахборот тарқатиш тақиқланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Агентлик рекламадан фойдаланувчилар, ижтимоий тармоқ фаол фойдаланувчиларни қимор ва бошқа хавф-хатарларга асосланган онлайн ўйинларда иштирок этмасликлари борасида огоҳликка ҳамда бунинг оқибатларидан сабоқ чиқаришларига чақиради.

**Директор ўринбосари**



**А. Курбонов**

*Ижр: А.Ахмедов  
Тел: 71 2074600 (318)*